O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 7 апрель, № 66 (3865) Жума





ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 6 апрель куни Оқсаройда Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё бўйича минтақавий вице-президенти Шигео Катсуни қабул қилди.

— Сизнинг Марказий Осиё мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистонга қизиқишингиз бизни ҳамкорликдаги янги лойиҳалар учун руҳлантиради, — деди Ислом Каримов учрашувда.

Ўзбекистон билан Жаҳон банки ўртасидаги алоқаларга 1993 йилда асос солинган. Ушбу халқаро молия институти билан мамлакатимиз савдо сиёсати, корхоналарни замонавийлаштириш, молия, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ва энергетика соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш борасида ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Айни пайтгача Жаҳон банки томонидан юртимизда амалга оширилаётган лойиҳалар учун 600 миллион АҚШ долларидан зиёд кредит ажратилган.

Учрашувда Ўзбекистон билан Жаҳон банки ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг бугунги аҳволи ва истиқболига оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).

СУРАТЛАРДА: қабул пайти.
Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар.

ТИЖОРИЙ АРБИТРАЖ ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Россия Федерацияси Савдо-саноат палатаси катта вице- президенти Борис Пастухов раҳбарлигидаги ишбилармон доира вакилларидан иборат делегациянинг юртимизга ташрифи доирасида пойтахтимизда икки мамлакат тадбиркорларининг ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган учрашувлари якунланди.



Тижорий арбитраж соҳасида ҳамкорликка бағишланган давра суҳбатида халқаро тижорий арбитражнинг асосий қирралари ва унинг халқаро савдо ва сармоялар ҳаракатидаги ўрни, халқаро тижорий арбитражда баҳсларни ҳал этишнинг долзарб масалалари муҳокама этилди. Россиялик меҳмонлар мамлакатимизда тижорий арбитражни шакллантириш борасида амалга оширилаётган ишлар билан таништирилди.

Учрашувда Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган фаол сиёсат олиб борилаётгани алоҳида таъкидланди. Тижорий арбитражнинг ташкил этилиши ҳам мазкур йўналишдаги муҳим вазифалардандир. Ҳозир мамлакатимиз парламенти палаталарида ҳакамлик судлари тўғрисида ҳамда халқаро тижорий арбитраж суди тўғрисидаги қонунларнинг лойиҳалари кўриб чиқилмоқда.

Россия Федерацияси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Халқаро тижорий арбитраж арбитри Нина Вилкова ҳамда Савдо-саноат палатасининг ҳуқуқий департаменти катта эксперти Михаил Савранскийнинг Россиядаги тижорий ҳакамлик судлари тизимига оид маърузалари тингланди.

Россия Федерацияси ҳудудида товарларнинг келиб чиқиш сертификатини расмийлаштиришга бағишланган давра суҳбатида эса товарнинг бирламчи эгаси бўлган мамлакатни аниқлаш қоидалари, товарларнинг келиб чиқиш сертификатларини расмийлаштириш, тасдиқлаш ва бериш тартиби, бундай ҳужжатларни текширувдан ўтказиш, савдо-саноат палаталари мутахассисларини сертификатларни расмийлаштириш бўйича услубий қўлланмалар билан таъминлаш ва ўқитиш ҳамда мазкур масалаларда божхона ва бошқа масъул идоралар билан ҳамкорлик юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон ва Россия ишбилармонлари ўртасида кооперацион биржа ҳам бўлиб ўтди. Унда икки томонлама ҳамкорлик истиқболлари ва янги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш имкониятлари муҳокама этилди.

Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ,
ЎзА мухбири.

Бир мақсад йўлида

Самарқандлик солиқчиларнинг бу галги журналистлар билан ўтказилган мулоқоти одатдагидан ўзгача кечди. Мавзу оммавий ахборот воситаларида соҳага боғлиқ ютуқлар ва муаммоларнинг қандай ёритилаётгани эди. Бу ҳақда вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Рустам Қўчқоров ва бошқалар сўзга чиқишди.

Анжуманда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди. Асосий эътибор солиқчи ва солиқ тўловчи ўртасидаги муносабат, ўзаро ҳамкорликка қаратилди. Айтилишича, солиқ қонунчилигига риоя қилиш, унинг амалда бажарилиши бўйича вилоятда ижобий ўзгаришлар кўзга ташланаяпти. Тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилиш меҳнат унумдорлиги ва даромадга барака киритаяпти.

Журналистлар ижодий уюшмаси Самарқанд вилояти бўлими ташаббуси билан ташкил этилган мазкур анжуманда солиқчиларнинг оммавий ахборот воситалари ходимлари билан ҳамкорлигини янада кенгайтириш юзасидан маслаҳатлашиб олинди

Абдурасул САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўқув технологиялари тақдимоти

Нукус қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида замонавий ўқув технологиялари тақдимоти бўлиб ўтди. Унда аграр соҳа учун ўрта махсус маълумотли кадрлар етказиб беришда жаҳон тажрибалари асосида жорий этилган ўқув технологиялари намойиш этилди.

Саксон бир йиллик тарихга эга ушбу ўқув маскани Қуйи Амударё қишлоқ хўжалиги учун 21 минг нафарга яқин мутахассислар тайёрлаб берди. Айни кунда бу ерда 13 йўналиш бўйича 1029 нафар ёш йигит-қиз касб ўрганмоқда. Коллеж Япония гранти асосида қайта жиҳозланди. Тақдимот маросимида Тахтакўпир ширкат хўжалиги раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон қаҳрамони А.Адилов қатнашиб, ўз тажрибалари билан ўртоқлашди.

— Оролбўйида етиштирилган пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари муттасил равишда жаҳон сифат совринларини қўлга киритмоқда, — дейди коллеж директори, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор М. Ибрагимов. — Бугунги долзарб вазифа илмий асосланган ишлаб чиқариш ва бозор муносабатлари асосида Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалигини янада юксак пағонага кўтаришдан иборат. Биз бунга малакали кадрларимиз билан ўз улушимизни қўшамиз.

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Марафончилар Жиззахда



Соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган жойга тобора яқинлашаётган умуммамлакат марафони иштирокчиларидан бири — Нигора Абдумуродовани Жиззах вилояти чегарасида уч нафар укаси Жавлон, Фозил, Элдорлар кутиб олишди. Опалари ёнида марафонда қатнашишга аҳд қилган ўқувчилар, ёшу қари спортчилар, оммавий тадбир иштирокчиларига қўшилишиб, югуриб кетишди.

Даштобод шаҳрида марафончиларни қутлаб-қувватлаб уюштирилган тантаналарда ғолиб спортчилардан 30 нафарига эсдалик совғалари топширилди. Шундан сўнг марафончилар вилоят маркази томон йўл олишди.

Кечга яқин «Ором» фавворалар мажмуига етиб келишган спортчиларни шаҳар жамоатчилиги вакиллари карнай-сурнай садолари остида кутиб олдилар. Наврўз тантаналари давом этаётган шаҳарда марафончиларга тарихий жойлар, Амир Темур билан боғлиқ воқеалар ҳақида гапириб беришди.

Шу куни тиббий кўрикдан ўтган марафон қатнашчилари учун вилоят ҳокимлиги томонидан байрам дастурхони безатилди. Вилоят ҳудудида спортсардорлик қилган бир гуруҳ спортчилар тақдирланди.

Бугун эрталаб марафон иштирокчилари шаҳардаги «Боғишамол» дам олиш масканидан Самарқанд сари йўл олишди. Чинакам оммавийлик касб этган тадбир иштирокчиларини шаҳар кўчаларида минглаб ўқувчи ёшлар, талабаю ҳаваскор спортчилар қўллаб-қувватлашди.

Баҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



СУРАТДА: тадбирдан лавҳа.
Дилшод ЮСУПОВ олган суратлар.

10-модда. Низоларни ҳал этиш

Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

11-модда. Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

12-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 4 апрель.

Буклаш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари
2006 йил

Қирқиш чизиғи

ши, тўсиб қўйилиши, қалбакилаштирилиши ва ундан ўзгача тарзда рухсатсиз фойдаланилиши, шунингдек нусха олинишининг ҳамда автоматлаштирилган банк тизимига бошқача шаклдаги аралашувларнинг олдини олиш.

5-модда. Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотнинг муҳофаза қилинишини ташкил этиш

Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотнинг муҳофаза қилинишини ташкил этиш:

ахборотни муҳофаза қилиш қоидаларини ишлаб чиқиш ҳамда уларга риоя этиш, шунингдек автоматлаштирилган банк тизимида ишлов бериладиган ахборотни муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш;

сертификатланган техника воситалари ва ахборотни муҳофаза қилиш воситаларидан фойдаланиш;

автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш;

автоматлаштирилган банк тизимида ахборот тўплашга доир фаолиятни ва унга ишлов бериш усулларидан фойдаланишни мувофиқлаштириш йўли билан

Буклаш чизиғи

амалга оширилади.

6-модда. Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотдан фойдаланиш

Автоматлаштирилган банк тизимидан фойдаланувчи автоматлаштирилган банк тизимида ахборот мулкдорининг рухсати билан ахборотдан фойдаланади.

Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотдан ахборот мулкдорининг рухсатисиз фойдаланишга фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади.

7-модда. Автоматлаштирилган банк тизими мулкдори

Автоматлаштирилган банк тизими мулкдори юридик шахс бўлиши керак.

Автоматлаштирилган банк тизими мулкдори ахборот мулкдори ва автоматлаштирилган банк тизимидан фойдаланувчи ўртасидаги ўзаро муносабатларни мувофиқлаштиради.

Автоматлаштирилган банк тизими мулкдори ахборот мулкдорини ва автоматлаштирилган банк тизимидан фойдаланувчини автоматлаштирилган банк тизимида ахборотга ишлов бериш усулларининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида хабардор қилиши, ахборот мулкдори ва автоматлаштирилган банк тизимидан фойда-

Янги қонунлар

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлисида ўн тўртта қонун маъқулланди. Жумладан, уларнинг олтитаси халқаро аҳамиятга моликдир.

Юқори палатанинг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси раиси С. САФОЕВ билан суҳбатимиз ана шу қонунларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти тўғрисида бўлди.

— Содиқ Солиҳович, «Саноат намуналарининг халқаро таснифини таъсис этиш тўғрисидаги Локарно битимига қўшилиши ҳақида»ги ва «Патент ҳуқуқи тўғрисидаги Шартномага қўшилиши ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг туб моҳияти нимада?

— Бу иккала ҳужжат ҳам мамлакатимиз иқтисодиётини жаҳон савдо-молиявий ҳамда сармоявий алоқаларини янада жадаллаштириш учун зарур бўлган ҳуқуқий пойдеворни такомиллаштиришга қаратилган. Локарно битими 1968 йилда имзоланиб, 1971 йилнинг апрелида кучга кирган. Ҳозирги кунда 45 та мамлакат қўшилган ушбу ҳужжатда Саноат намуналарининг умумлашган халқаро таснифи белгиланган. У давлатлараро савдо-иқтисодий ҳамкорликни фаол амалга оширишда кўп қулайликлар яратади.

Битимга кўра, миллий идоралар ягона халқаро таснифларга эга бўлишади. Бу восита орқали саноат намуналарини қайта тасниф қилиш зарурияти бўлмайди. Акс ҳолда, ҳар бир мамлакатнинг тегишли идораси бундай таснифни алоҳида тузиши ва саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга алоқадор ҳужжатларни алмашишда қайта тасниф қилишга ҳам вақт, ҳам маблағ кетказишга мажбур бўлади. Бундан ташқари, ушбу ҳужжат орқали жорий этилган тасниф ҳўжалик юритувчи субъектларнинг интеллектуал мулкини ҳимоя қилиш, тегишли тадқиқотлар ўтказишда муҳим бўлган маълумот берувчи воситадир. Ушбу ҳужжатга қўшилиш саноат намуналарини экспертизадан ўтказиш, рўйхатга олиш ва улар ҳақида маълумотлар чоп этишда таснифлашнинг ягона тартиб-тамойилларини қўллаш имконини беради.

Битим Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг халқаро таснифлар бўйича тузилган тўрт ҳужжатидан бири ҳисобланади. Бу ҳужжат уч қисмдан иборат бўлиб, унга саноат намуналари халқаро таснифининг 31 та синфи ва 211 та кичик синфлари рўйхати илова қилинган. Бу синфларга 6 минг саноат намуналари киритилган.

«2000 йил 1 июнда Женевада Дипломатик конференция томонидан қабул қилинган Патент ҳуқуқи тўғрисидаги Шартномага қўшилиши ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг асосий мақсади эса "Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 1 июнда Женевада Дипломатик конференция томонидан қабул қилинган Патент ҳуқуқи тўғрисидаги Шартномага қўшилиши ҳақида"ги Шартномани ратификация қилишдир.

Мамлакатимизнинг ушбу шартномага қўшилишдан мақсади — Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасининг ихтироларнинг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш ва шу йўналишдаги ахборот технологияларини жорий этиш учун норматив базани яратиш ва қонунчилигимизни халқаро битимлар билан уйғунлаштиришдан иборат.

МИЛЛИЙ МАНФААТ ВА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Таъкидлаш лозимки, мазкур шартномага қўшилиш Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий тизимига янада интеграциялашувига кўмаклашади, талабномалар юбориш тартибини соддалаштириш, патентларни рўйхатга олиш ва уларнинг Ўзбекистонда ўз кучини сақлаб туриши учун мустаҳкам замин яратади. Яна у Ўзбекистон Республикасига молиявий мажбуриятлар юкламайди ва мамлакатимиз иқтисодиётига сармоялар жалб этилишига ҳизмат қилади.

— «Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисида Шартномани ратификация қилиш ҳақида»ги Қонун маҳаллий ва хорижий сиёсатчилар томонидан юқори баҳоланди...

— Таъкидлаш лозимки, «Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисида Шартнома» мустақил юртимиз тарихида илк бор имзоланди. Иттифоқчилик муносабати давлатлараро алоқаларнинг энг ривожланган шакли бўлиб, у мустақил ва суверен давлатларнинг муайян сиёсий, иқтисодий ва хавфсизлик соҳаларидаги муштарак мақсадларга эришиш йўлида куч ва имкониятлари мужассамлашишини англатади. Бундай муносабатларнинг бугунги кунда минтақамиз ва бутун жаҳонда ўта мураккаб жараёнлар авж олаётган бир даврда ўрнатилиши муҳим аҳамиятга эга.

Икки томонлама муносабатларнинг янги поғонага кўтарилиши шошма-шошарлик билан кўрилган ташқи сиёсий чора-тадбир эмас, албатта. У Россия ва Ўзбекистон ўртасида тарихан шаклланиб келган, кенг ва чуқур илдиз отган алоқаларнинг, узвий ҳосиласидир. Ўзбекистон Россиянинг улкан сиёсий салоҳияти, катта иқтисодий имкониятлари ва унинг минтақамиз хавфсизлигини таъминлашда муҳим роль ўйнашини инобатга олиб, миллий манфаатларимизни эътиборда тутиб, ушбу давлат билан ҳамкорликни ривожлантиришга интилиб келган. Айни вақтда Россия раҳбарияти Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда геосиёсий ва геоиқтисодий аҳамияти, ўрни, мавқеи ва минтақавий хавфсизлик муаммоларини ечишдаги ролини яхши англайди ва мамлакатимиз билан ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришни устувор вазифа деб тан олади.

Бу жараёнларнинг натижаси ўлароқ, 2004 йил июнида Тошкентда икки мамлакат ўртасида имзоланган Стратегик шериқчилик тўғрисидаги шартнома Ўзбекистон-Россия муносабатлари мақомини янада кўтаришда муҳим қадам бўлди. Шундан буён ўтган вақт мобайнида икки мамлакат раҳбарлари расмий сафарлар ва турли халқаро тадбирлар доирасида ўн мартадан ортиқ учрашдилар, мамлакатимизга олтмишдан кўпроқ турли даражадаги Россия делегациялари ташриф буюрди. Яна Ўзбекистон раҳбарининг ташаббуси билан Россия 2004 йили Марказий Осиё Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо сифатида қабул қилинди. Кейинчалик бу ташкилотнинг Евросиё иқтисодий ҳамжамияти билан бирлашиши натижасида дунё миқёсида энг йирик тузилмаларидан бири вужудга келди.

Икки томонлама мунтазам ва жадал сиёсий мулоқот Россия ҳамда Ўзбекистон ўртасида мавжуд бўлган ҳамжиҳатлик ва ўзаро ишончни янада чуқурлаштирди. Мамлакатлар ўртасида ҳарбий-сиёсий, савдо-иқтисодий ҳамда интеллектуал-гуманитар соҳалардаги алоқалар тобора кенгайди. Президентимизнинг 2005 йил ноябрь ойида Россия Федерациясига расмий ташрифи чоғида икки давлат раҳбарлари томонидан "Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисида Шартнома" имзоланди ва ушбу давлатлар ўртасидаги алоқалар суверен мамлакатлар ўртасидаги муносабатларнинг энг юқори мақомига эга бўлди.

Шартнома мамлакатимизнинг барқарор ривожланиши ва дунёнинг энг нуфузли давлатларидан бири билан кўп жиҳатли ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қаратилган. Албатта, дунёда вужудга келган мураккаб вазиятда минтақамизга ва Ўзбекистонга айрим сиёсий кучларнинг ўз сиёсий таъсирини ўтказиш ҳамда барқарорлигимизга путур етказишга интилаётган бир пайтда Шартномада хавфсизлик масалаларига алоҳида урғу берилиши таъкидлаш лозимки, мазкур шартномага қўшилиш

Бўҳтонга жавоб

Калнинг нимаси бор, темир тароғи. У бу тароқ билан ўзининг йўқ сочини эмас, балки бировнинг бор сочини тарамоқчи ёки бировга сочни қандай тараш-ни ўргатмоқчи бўлади. Айрим Ғарб давлатлари тутаётган сиёсат ҳам шу ҳолат-ни эслатади. Фақат уларнинг тароғи эмас, демократия деган чиройли ибора билан ниқобланган ва сунъий равишда ўйлаб топилган ақидаси бор. Унга ўзи амал қилмайди, бироқ бошқаларни мажбурлаб амал қилдирмоқчи ёки ундан ғаразли мақсадда фойдаланмоқчи бўлади. Ўзининг турмуш тарзи билан бутун дунёга устун бўлишни даъво қилади. Барча миллатларнинг миллий маънавият-лари ва қадриятларини оёқости қилиб, барча халқларнинг миллий турмуш тарзларини инкор этиб, барча давлатлардаги тузумлар ва қонунлаштирилган тартиб-қоидаларни менсимай ўз мақсадига эришмоқчи бўлади.

Ғараз бор жойда...

Бугунги кунда ана шундай даъвогарларнинг оммавий ахборот воситалари орқали ҳамда турли минбарлардан туриб қилаётган даъволарини эшитиб, очиғи ҳайратдан энсангиз қотади. Гўё асл демократия "рангли инқилоб" туфайли Украина билан Грузияда ғалаба қилганмиш, Ироқ бўйлаб унинг тўлқинлари жавлон ураётганмиш, Ливаннинг бу борадаги ютуғи мисли кўрилмаган даражада эмиш. Афсус-ки, Россия, Ўзбекистон ва Қозоғистонда бундай "рангли инқилоб"ларни амалга оширишнинг иложи бўлмаётганмиш. Бунга сабаб шуки, бу давлатларда, хусусан, Ўзбекистонда хорижнинг айрим ноҳукумат ҳамда ҳар хил инсон ҳуқуқлари ташкилотларига эркин фаолият кўрсатиш учун имконият берилмаётганмиш. Бундан чиқди, агар имконият бе-рилгудек бўлса, бу ерда "рангли инқилоб"ни амалга ошириш мум-кин бўларкан-да. Сурбетликни қаранг!..

Даъвогар суст бўлса, қози мутаҳам бўлади, деган гап бор. Биз яхши биламиз, АҚШнинг но-ҳукумат ташкилоти бўлган "Фри-дом Хауз" кўпдан бери жаҳон миқёсида қозиликка даъвогарлик қилиб келади. Тулки ўз қуйруғи-ни ўзи гувоҳликка тортади де-ганларидек, тўла ташкилот ҳам ўз ҳақиқатига ўз ходимларини гу-воҳликка тортиб, дунё миқёсида инсон ҳуқуқлари ва эркинликла-ри қандай аҳволда эканлиги ҳақида ҳукм чиқаради. У ноҳуку-мат ташкилот бўлса-да, шу ма-сала хусусида вазиятни баҳолаш ва хулоса чиқаришда АҚШ ҳуку-матининг геосиёсий манфаатла-рига хизмат қиладиган мезон-ларни ишлаб чиққан. Ана шу ме-зонлардан келиб чиқиб, айрим мамлакатларда инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари бузилаётган-лиги ҳақида жар сола бошлай-ди. Энг ажабланарлиси шунда-ки, негадир бу ташкилот ҳар куни юзлаб бегуноҳ одамлар қурбон бўлаётган Ироқ, Афғонистон, Болқон, Яқин Шарқ ва бошқа жой-лардаги ҳақ-ҳуқуқсиз миллионлаб инсонлар тақдири ҳақида эмас, балки тинчлик ва осойишталик ҳукмронлик қилаётган мамлакат-лардаги аҳолининг ҳақ-ҳуқуқлари ҳақида кўпроқ қайғуради. Шунинг ўзиёқ коса тагида ним коса бор-лигини кўрсатади.

Кейинги бир ярим ойда "Ва-шингтон таймс" газетасида хо-рижнинг иккита нодавлат таш-килоти Ўзбекистондаги ўз вако-латхонасини ёпганлиги ҳақида нуқул нола-ю фиғондан иборат бир неча шарҳ босилди. Битта-си ўша "дунё қозиси" "Фридом Хауз" бўлиб, унинг ваколатхона-си суднинг қарори билан ёпил-ди. Асос бўлмаса суд қарор қабул қилмайди. Чунки, ваколат-хона кимлар учундир қарвонса-рой бўлиб қолди. Ҳар хил сайро-қиларга интернетдан бепул фой-даланиш учун имконият яратиб берилди. Ким кимга тош отмоқ-чи ёки мағзава ағдармоқчи бўлса, интернетдан иғво қуроли сифатида фойдаланаверди. Бу бузғунчиликдан бошқа нарса эмас эди.

Келинг, яхшиси, "Вашингтон таймс"да босилган иккита шарҳ-ни бир-бирига қиёслаб кўрайлик, шунда шарҳловчиларнинг ният-лари ойдин бўлади-қўяди. Дэвид Сендзнинг шарҳи газетада шу йил 28 февраль куни босилган. "АҚШнинг Республикачилар партиясига қарашли Халқаро республика институти, Миллий демократик институт, "Фридом Хауз", "Очиқ жамият" институти каби ноҳукумат ташкилотлари-нинг ходимлари ва уларнинг Ғар-бий Европадаги ҳамкасблари тас-диқлашларича, — дейилади шарҳ-да, — бу ташкилотларнинг асо-сий вазифалари турли мамла-катларга амалдаги ҳукуматни ағдаришга ёрдам бериш эмас, балки ўзларида демократия ва фуқаролик жамиятини ривожлан-тириш учун зарур бўлган тизим-ларни яратишда кўмаклашишдан иборат". Шарҳловчи шундай деб уқтиради-да, бирданига Грузия, Украина, Ливан ва Қирғизистон-да амалга оширилган "рангли инқилоб"ларнинг "мисли кўрил-маган ғалабаси"ни ана шундай ноҳукумат ташкилотлар — фонд-ларнинг демократияни қўллаб-қувватлашдаги муваффақияти деб атайди. Шундан кейин шарҳ-ловчи Дэвид Сендз "Фридом Хауз" ижрочи директори ўринбо-сари Томас Мелианинг қуйидаги сўзларини келтиради: "Бизни Ўзбекистон ва бошқа бир қатор мамлакатлардан чиқариб юбо-ришмоқчи. Бундай сиёсатдан кўзланган асосий мақсад — ўзла-ридаги демократик кучларни хо-риждаги тарафдорларидан маҳ-рум этиш".

Бундай баёнотлар нафақат ғаразгўйликдан, балки бузғунчи-ликдан иборат. Шарҳловчи эса иккиюзламачилик билан турли фондларнинг мақсади ҳукумат-ларни ағдариш эмас деб туриб, бирданига баъзи мамлакатлар-да амалга оширилган давлат тўнтаришларини мисли кўрилма-ган ғалаба деб атайди. Буни қан-дай тушуниш керак? Эҳтимол, улар бошқаларни лақма деб ўйлашар.

Одоб бозорда сотилмаганидек, тартиб-қоида ҳам сотиб олинмайди, унга фақат амал қилинади. Акс ҳолда тўғри йўл кўрсатиб қўйилади. Кейинги пайт-да АҚШнинг нодавлат "Евразия фонди" ваколатхонаси Тошкент-даги ўз фаолиятини тўхтатди. Бун-га унинг ўзи сабабчи бўлди. Яъни, тартиб-қоидани менсимай меҳмонлик одобидан чиққанли-ги панд берди. Ташкилот айби-ни ошкор қилмаслик учун бошқа-ларга ўхшаб судлашиб ўтирма-ди. Бироқ "қағ" этиб, ўз кўнглини чоғ этиб қўйди. Яъни, фонднинг Тошкентдаги ваколатхона-си директори Жефф Эрлих баё-нот бериб: "Ғалаба қилиш учун бизда имконият йўқ эди. Шунинг учун суд жараёнида иштирок этишни лозим топмадик ва ўзи-мизни ўзимиз тугатиб қўяқолдик" деди.

"Вашингтон таймс"нинг бошқа бир шарҳловчиси Майкл Мейн-вилль газетада шу йил 7 март куни босилган шарҳида Ўзбе-кистонда хорижнинг иккита но-ҳукумат ташкилоти ўз фаолиятини тўхтатганлиги ҳақида зорланиб ёзар экан, буни фақат ўтган йили Андижонда юз берган во-қеалар билан боғлайди ва ноҳу-кумат ташкилотларни ҳеч нар-сага аралашмайдиган беозор тизимлар деб кўрсатишга ҳаракат қилади. Бу оқни қора ва қорани оқ дейишдан бошқа нарса эмас. Бундай муносабатни ўтган йили "Интерньюс" ва "БИ-БИ-СИ" фа-олиятларида ҳам кўрдик. Бу таш-килотлар Ўзбекистонда "рангли инқилоб" барбод бўлганлигига аза тутишди. Баъзи бировлар алам қилганидан тишлари қичи-маса ҳам роса суяк чайнашди. Ҳеч нарсага аралашмаганлари шундай бўлса, аралашганда те-мирни ҳам ғажиб ташлашарди.

Энди айрим давлатлар бошқа мамлакатлардаги ўз ноҳу-кумат ташкилотларидан ғаразли мақсадларда фойдаланаётган-ликларига келсак, бу бор ҳақиқат. Буни Украина ва бошқа жойлардаги "рангли инқилоб"лар яққол кўрсатди. Буни, жумладан, "Фридом Хауз"нинг дунё миқёсидаги қозилик ва бузғунчилик фаолияти ҳам кўрсатиб турибди. Буни Рос-сия ва бошқа кўплаб давлат-лар раҳбарлари берган баё-нотлар ҳам исботлаяпти. Вла-димир Путин қонуний ҳукумат-ларни ағдаришда мухолифат кучларга ёрдам бераётган но-ҳукумат ташкилотларни кўллаб-қувватлаётган давлат-лар ҳукуматларини қаттиқ қоралади ва яқинда хорижий давлатларнинг Россияда фаол-ият кўрсатаётган ноҳукумат ташкилотлари фаолиятларини қатъий назорат қиладиган қонунга имзо чекди.

Бу ҳақиқатни ҳеч ким инкор этолмайди. Шундай экан, энди қора товуққа ўхшаб ҳадеб сомон сочиб, иғво тарқатиб, бировга тамға босавермай, ўт билан ўйнашишга барҳам бе-риш керак. Яхшиси, иғвони бас қилинг!

Иброҳим НОРМАТОВ,
сиёсий шарҳловчи.

Республикамиз ҳукумати ва Марказий банк томонидан тармоқда пул-кредит сиёсати мута-носиблигини таъминлаш, банкларнинг капитал-лашуви ва барқарорлигини ошириш, уларнинг ресурс базасини аҳоли ва хўжалик субъектла-ринининг бўш маблағларини жалб қилиш ҳисоби-га кўпайтириш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

«ТАДБИРКОРБАНК»НИНГ пластик карточкалари

Шу билан бирга, Мар-казий банк ва тижорат банклари томонидан мил-лий валюта барқарорли-гини ошириш, чакана сав-до ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳисоб-китоблар-ни юритишда пластик кар-точкалардан фойдала-нишни кенгайтириш чора-тадбирлари ҳам кўрилмоқ-да.

Бу борада, айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги "Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тад-бирлари тўғрисида"ги қарори муҳим аҳамият касб этди. Хусусан, АТ "Тадбиркорбанк"и томо-нидан ушбу қарор ижро-сини таъминлаш мақса-дида Ўзбекистон Респуб-ликаси банклар ассоци-ацияси томонидан ўтказил-ган тендерда ғолиб чиқ-қан «sercotec Select IIc» компанияси билан шарт-нома имзоланиб, унга кўра, 70 000 дона пла-стик карточка, 300 та тер-минал ва DUET дастури билан ишлайдиган тех-ник жиҳозлар ўрнатилди. 2005 йилнинг 1 мартидан бошлаб эса, банк пластик карточкалари муомалага чиқарилди.

Маълумки, электрон ҳамён нафақат нақд пул-сиз ҳисоб-китобларнинг қулай усули, балки, бир томондан, карточка соҳи-би даромадларини оши-ришга имконият берувчи, иккинчи томондан, дав-латимизнинг банк айлан-масига пул маблағлари-ни жалб қилишни оши-ришга кўмаклашувчи, қолаверса, бутун дунёда тан олинган илғор мо-



лиявий тўлов воситаси-дир. Буни теран англаган мижозлар унинг эгаси бўлмоқда. Агар рақамлар-га мурожаат қиладиган бўлсак, АТ "Тадбиркор-банк"и тизими бўйича жо-рий йил 1 март ҳолатига кўра, пластик карточкалар орқали миллий валютада амалга оширилган пул ай-ланмаси 1956 млн. сўмдан ошиб кетди. Эътибор-лиси, ушбу маблағнинг аксарият қисми фермер хўжаликлари, корхона ва ташкилотлар ишчи-хиз-матчилари учун ойлик маош сифатида пластик карточкалар орқали тар-қатилди.

Албатта, пластик кар-точка тизимини ривожлан-тиришнинг асосий мақ-садларидан бири — бу савдо-сервис тармоғида товарни харид қилиш ва кўрсатилган хизматлар бўйича ушбу тўлов воси-таси орқали маблағлар айланмасини ошириш. Шундан келиб чиқиб, АТ "Тадбиркорбанк"и томо-нидан мавжуд 300 та тер-минал турғун савдо таш-килотлари, умумий овқат-ланиш шохобчалари, маи-ший ва бошқа пуллик хиз-мат кўрсатиш объектла-рига ўрнатилгани кутилган самарани бермоқда. Мисол учун, 2006 йил 1 март ҳолатига кўра, банк тер-миналлари орқали нақд пул-сиз амалга оширилган ҳисоб-китоблар 649,75 млн. сўмдан ортди.

Ҳукумат қарорининг 3-банди ижросини тўлиқ таъминлаш мақсадида эса махсус дастур ишлаб чи-қилган. Унга мувофиқ, банкнинг вилоят ва туман бўлимлари барча тижорат банкларини ўзида бир-лаштирган ягона DUET ти-зимига уланди. Бу, ўз нав-батида, нафақат банкла-раро операцияларни амалга оширишни тезла-тибгина қолмасдан, бал-ки мижозларга сифатли хизмат кўрсатишга ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқ-да.

Таъкидлаш жоизки, АТ "Тадбиркорбанк"и томо-нидан аҳоли бўш пул маб-лағларини банк омонат-ларига жалб этиш борасида ҳам муайян ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, ми-жозлар учун қулай ва да-ромадли янги омонат тур-лари жорий қилинмоқда. Масалан, 2006 йил 1 март ҳолатига кўра, аҳоли бўш пул маблағларини омо-натларга жалб қилиш бўйича қолдиқ 35,6 млн. сўмга ўсди.

Дарвоқе, банк жамоа-си "Наврўз" айёми муно-сабати билан фуқароларни молиявий қўллаб-қув-ватлаш ҳамда уларнинг пул маблағлари сақлани-шининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида "Бинафша" муддатли омо-нат турини ташкил этди. Ушбу омонатга маблағлар жисмоний шахслардан 16 мартдан бошлаб 45 кун давомида қабул қилинади. Йиллик омонатга 22 фоиз даромад қўшилади.

Бир сўз билан айтган-да, мижозлар ва омонат-чиларига сифатли ҳамда ишончли хизмат кўрса-тиш АТ "Тадбиркор-банк"и жамоаси учун таомилга айланган. Бу анъанани давом эттириш, уни янада такомиллашти-риш эса бундан буён ҳам устувор вазифа бўлиб қолаверади.

Саидолим ҲАЙДАРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

MTS GSM
UZDUNROBITA first cellular

«УЗДУНРОБИТА» КОМПАНИЯСИДАН
БАҲОРГИ ТАКЛИФ!

SUPER
ТАРИФ РЕЖАСИ

Тармоқ ичида кирувчи алоқа
БЕПУЛ

Тармоқ ичида чиқувчи алоқа
$0.02 (1 дақиқа учун)



Ўзбекистон бўйича алоқа
$0.04 (1 дақиқа учун)

Абонент тўлови
$0.07 (кунига)

NEW! «Уздунробита» компанияси абонентлари учун халқаро роуминг хизмати Мальдивада (Wataniya) ишга тушди.

NEW! 29 мартдан «Уздунробита» компанияси абонентлари учун «PLUS» SIM – картани программалаштириш - БЕПУЛ.

Тўловлар сўмда ЎзР МБнинг тўлов кунидаги курси бўйича амалга оширилади.
www.uzdunrobita.uz / wap.uzdunrobita.uz

Нархларга барча солиқлар киритилган.
Хизматлар лицензияланган

АУДИТОРИЯ ОЦЕНИТ
ПРЕЗЕНТАЦИЮ С ПРОЕКТОРОМ HP DIGITAL PROJECTOR



УНИВЕРСАЛЬНЫЙ ПРОЕКТОР
HP DIGITAL PROJECTOR VP6311
• Яркость 1600 ANSI-люмен (макс.)
• Исходное разрешение SVGA (800 x 600 т/д)
• Поддерживаемые разрешения от VGA (640 x 480 т/д) до SXGA+ (1400 x 1050 т/д)
• Вес 3,5 кг
• Стандартный ресурс лампы 4000 часов, до 8000 часов в эконом. режиме
• Контрастность 2000:1



МОБИЛЬНЫЙ ПРОЕКТОР
HP DIGITAL PROJECTOR VP6321
• Яркость 2000 ANSI-люмен (макс.)
• Исходное разрешение XGA (1024 x 768 т/д)
• Поддерживаемые разрешения от VGA (640 x 480 т/д) до SXGA+ (1400 x 1050 т/д)
• Вес 3,5 кг
• Стандартный ресурс лампы 4000 часов, до 8000 часов в эконом. режиме
• Контрастность 2500:1



МОБИЛЬНЫЙ ПРОЕКТОР
HP DIGITAL PROJECTOR MP3135
• Яркость 1800 ANSI-люмен (макс.)
• Исходное разрешение XGA (1024 x 768 т/д)
• Поддерживаемые разрешения от VGA (640 x 480 т/д) до SXGA+ (1400 x 1050 т/д)
• Вес 1,7 кг
• Контрастность 2000:1
• Опционально: проведение презентаций без ПК и подключение проектора к проводным и беспроводным сетям

Создайте себе репутацию профессионала. Произведите впечатление на свою аудиторию реалистичной цветовой гаммой и превосходным качеством изображения Вашей презентации. Проецируйте с помощью цифрового проектора HP DIGITAL PROJECTOR яркие, контрастные, четкие и выразительные образы, которые обеспечат успех Вашей презентации в любой ситуации. HP DIGITAL PROJECTOR станет Вашим надежным помощником и в бизнесе, и в учебе, там, где важно не только привлекать, но и удерживать внимание к Вашим проектам.



Звоните сейчас, чтобы узнать больше!
AGATA
Agata Impex Ltd
Тел. 133 05 00.

2006 Preferred Partner
hp invent

©2006 Hewlett-Packard Development Company, L.P. Все права защищены.

ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ

ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 мартдаги ПҚ-29-сонли қарорига мувофиқ, Miller Trading GmbH (Швейцария) компаниясини молиявий маслаҳатчи сифатида жалб этган ҳолда

«АММОФОС» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ 49% АКЦИЯЛАРИНИ СОТИШ БЎЙИЧА ОЧИҚ ТЕНДЕР ўтказилишини эълон қилади.

«Аммофос» ОАЖнинг корхона томонидан чиқарилган барча акцияларнинг 49%ни ташкил этувчи 484 057 (тўрт юз саксон тўрт минг эллик етти) дона оддий акциялар сотувга қўйилади. Акцияларнинг бошланғич баҳоси – 17 164 400 (ўн етти миллион бир юз олтмиш тўрт минг тўрт юз) АҚШ доллари. Шунингдек, «Аммофос» ОАЖнинг 49% акцияларига энг юқори нархни таклиф этган ва инвестицион мажбуриятларни ўз зиммасига олишга тайёр бўлган компания устунликка эга бўлади.

«Аммофос» ОАЖ Тошкент вилоятининг Олмалиқ шаҳрида жойлашган. Корхона 1969 йилда ишга туширилган. «Аммофос» ОАЖ Ўзбекистон Республикасида энг йирик азот-фосфор минерал ўғитларини ишлаб чиқарувчи корхона бўлиб, республика қишлоқ хўжалигининг фосфор ўғитларга бўлган эҳтиёжининг 85 фоизини қондиради.

Тендерда иштирок этиш истаги бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризасини ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим. Сўровномалар билан қуйида келтирилган манзилларнинг бирига мурожаат этиш мумкин.

Информацион меморандум, тендерни ўтказиш қоидалари, тендер таклифининг шаклини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари, уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюросига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

Тендер ҳужжатларини сотиб олиш муддати 2006 йил 1 июнда тугайди.

Тендер таклифларни қабул қилиш муддати 2006 йил 15 июнда тугайди.

Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзилларга мурожаат этишингизни сўраймиз:

Давлат мулки қўмитаси ишчи органи:
Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюроси, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 700003, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55-уй, Давлат мулки қўмитаси биноси, 17-қават.

Бош директор Улуғбек Каримович Вахабов эътиборига.
Телефон: +998 (71) 139-22-51.
Факс: +998 (71) 139-22-79.
Эл. почта: ccpbuz@tps.uz

Молиявий маслаҳатчи:
Miller Trading GmbH компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 700070, Глинка кўчаси 41-«А» уй.

Ваколатхона раҳбари Сергей Евгеньевич Москаленко эътиборига.
Телефон: +998 (71) 152-40-15.
Факс: +998 (71) 152-40-11.
Эл. почта: fm@marvel.uz

2437-1Н666

INVITATION TO TENDER

STATE COMMISSION FOR CONDUCTING TENDERS ON THE SALE OF THE STATE ASSETS TO THE FOREIGN INVESTORS

based on the Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan #PP-29 dated March 14, 2005 and with the participation of the Miller Trading GmbH (Switzerland) as the Financial Advisor, hereby announces

THE OPEN TENDER FOR PRIVATIZATION SALE OF THE 49% SHARE PACKAGE OF THE JOINT STOCK COMPANY "AMMOPHOS"

484 057 (four hundred eighty four thousand fifty seven) shares of common stock of JSC "Ammophos" constituting the aggregate of 49% of the Company's total issued shares are being offered for sale. Starting bidding price for the said package of shares is not less than 17 164 400 (seventeen million one hundred sixty four thousand four hundred) US Dollars. At that, the preference will be given to the company ready to offer the highest bid for the 49% of shares of the Company and to take upon itself the investment obligations.

JSC "Ammophos" is located in Almalyk city, Tashkent region. It began its operation in 1969. JSC "Ammophos" is the largest nitrogenous phosphate mineral fertilizers producer in Uzbekistan, which provide 85% of agriculture demand of Uzbekistan for phosphate fertilizers.

Investors interested in participating in the tender shall first submit a properly completed signed Application for participation and Confidentiality Statement. With the inquiries please contact one of the addresses indicated below.

The Tender Documentation package including Information Memorandum, Tender Rules, Bid Form can be obtained upon payment made for it, by presenting to Case-by-Case Privatization Bureau the completed and signed Application and Confidentiality Statement together with a copy of the document confirming the payment effected.

The Tender Documentation can be purchased till the date of June 01, 2006.

The Bid Submission Deadline is June 15, 2006.

For all issues related to the tender, please contact:

The Work Body of the State Property Committee:
CCPB, Case-by-Case Privatization Bureau
State Property Committee Bldg., 17th Floor
Uzbekistanskaya Str. 55, 700003, Tashkent, Uzbekistan

Attention: Mr. Ulugbek Vahabov, Director General
Telephone: +998 (71) 139 22 51.
Fax: +998 (71) 139 22 79.
E-mail: ccpbuz@tps.uz

The Financial Advisor:
Miller Trading GmbH (Representative office in Uzbekistan) 41 a, Glinka str., 700070, Tashkent, Republic of Uzbekistan

Attention: Mr. Sergey Moskalenko, Head of representative office
Telephone: + 998 (71) 152 40 15.
Fax: + 998 (71) 152 40 11.
E-mail: fm@marvel.uz

2437-2Н666

ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ

ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 мартдаги ПҚ-29-сонли қарорига мувофиқ «Финам» (Россия) Инвестицион компаниясини молиявий маслаҳатчи сифатида жалб этган ҳолда,

«АЛГОРИТМ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ 45,4% АКЦИЯЛАРИНИ СОТИШ БЎЙИЧА ОЧИҚ ТЕНДЕР ўтказилишини эълон қилади.

«Алгоритм» ОАЖнинг корхона томонидан чиқарилган барча акцияларининг 45,4%ни ташкил этувчи 179 568 (бир юз етмиш тўққиз минг беш юз олтмиш саккиз) дона оддий акциялари сотувга қўйилади. Акцияларнинг бошланғич баҳоси — 6 441 930 (олти миллион тўрт юз қирқ бир минг тўққиз юз ўттиз) АҚШ доллари. Шунингдек, «Алгоритм» ОАЖнинг 45,4 % акцияларига энг юқори нархни таклиф этган ва инвестицион мажбуриятларни ўз зиммасига олишга тайёр бўлган компания устунликка эга бўлади. Шу билан бирга, тендер ғолибига эмитент ҳисобидаги 6,8% акциялар пакетининг сотилиши ҳам мўлжалланган.

- *магистраль линиялари ўтган ерда гулханлар ёқиш ТАҚИҚЛАНАДИ!*

ҲУШЁР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ!
АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ!

"Ўзбектелеком" АК "Шаҳарлараро алоқа корхонаси" филиали

«Мет-фур-сервис»нинг дадил қадамлари

Қишлоқда ўсган Шавкатжон Халилов кимё-технология институтини имтиёзли диплом билан тугаллагач, илмий ишларини ҳам шу ерда давом эттирди. Айни чоғда «Садаф» ҳиссадорлик жамиятининг ишлаб чиқариш лабораториясини бошқариб, билим ва тажрибаларини амалиётга татбиқ этишга киришди.

Мамлакатимизда тадбиркорлик, хусусан, кичик бизнесни ривожлантиришга кенг йўл очилган дастлабки йилларда эса «Мет-фур-сервис» хусусий корхонасини ташкил этди. Бир йилдаёқ мазкур корхонада 4 миллион сўмлик истеъмол моллари ҳамда фурнитура жиҳозлари ишлаб чиқарилди. Кейинчалик ушбу хусусий корхона сармояси 15 млн. сўмлик масъулияти чекланган жамиятига айлантирилди.

18 кишидан иборат жамоа 2002 йилнинг ўзида 37,0 млн. сўмлик, 2004 йилга келиб эса 94,5 млн. сўмлик маҳсулот тайёрлаб сотишга эришди.

2004-2005 йилларда «Мет-фур-сервис»да «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси учун 50 турдан ортиқ бутловчи қисмларни ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 21 февралдаги 87-20-сонли қарорига бинoан, «ЎзДЭУавто» корхонаси учун бутловчи қисмларни етказиб берувчилардан жорий солиқлар олинмаслиги белгиланган туфайли «Мет-фур-сервис» иқтисодиёти янада барқарорлашди.

Ҳозирги кунда масъулияти чекланган жамият жамоаси «ЎзДЭУавто», «ЎзкорамКо», «ЎхСемюнгКо» каби корхоналарга автомобиль қисмларини етказиб бериш билан бир қаторда 70 дан ортиқ янги бутловчи қисмларни маҳаллий хомашё ҳисобига тайёрлаш устида ишламоқда.

Шавкатжон Халиловга ўхшаган жонкуяр, эл корига ярайдиган инсонлар сафи кенгаяверсин!

Моҳира СИДДИҚМЕТОВА.

Ширкат ва фермер хўжаликлари раҳбарлари, боғ соҳиблари, тадбиркорлар диққатига!

Пуркагичлар керакми? *Марҳамат!*

«ЎЗҚИШЛОҚМАШХОЛДИНГ» КОМПАНИЯСИ ТАРКИБИДАГИ

«AGRIXIM»

ЎЗБЕКИСТОН–ИТАЛИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИДА



ишлаб чиқарилаётган олти хил — пахтачилик-боғдорчилик учун «VP-1» русумли пуркагиччангитгич, шунингдек, «Кариола-С-100», «ОРПД-12/М», «Аида», «Леонора», «Асусена» пуркагичларига «Ўзстандарт» агентлигидан сертификатлар берилган. Улардан саккиз йилдан бери муваффақиятли фойдаланилаяпти.

Ғўза, сабзавот майдонлари, боғлар, иссиқхоналар ва ҳовли-жойлардаги дарахтлар ҳосилини турли зараркунанда ва ҳашаротлардан ишончли ҳимоя қилмоқчи бўлсангиз, шу қулай, самарали пуркагичлардан фойдаланинг. Чорвачилик фермалари, паррандачилик фабрикаларини дезинфекциялашда, жумладан, парранда гриппига қарши курашишда ҳам пуркагичлар яхши самара беради. Тадбиркорлар бу пуркагичлардан фойдаланиб, фермер ва боғ соҳибларига агрокимё хизмати кўрсатишса, бу катта наф келтиради.

Пуркагичларни маблағ ўтказиб ёки нақд пулга сотиб олиш мумкин. Қўшма корхонада пуркагичларни тузатиб, таъмирлаб бериш имконияти бор.



Манзил: Тошкент ш., С.Машхадий к., 210-уй.
Мўлжал: Шампан винолари заводи. Автобуслар: 16, 21,30.
Тел.: (998-71) 169-49-33, тел./факс: 169-49-44, 169-35-46.
E-mail: agrihim@mail.st.uz

Маърифий тадбир

Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси Қашқадарё вилоят бошқармаси Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги ва буюк Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига бағишланган маърифий тадбир ўтказди. Вилоят олима аёллари уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган бу тадбирда олимлар, адабиёт ва санъат ихлосмандлари иштирок этдилар.

Қарши шаҳрининг тарихи, маданий ёдгорликлари, Амир Темурнинг қадимий Насаф билан боғлиқ ҳаёти маърузаларнинг бош мавзуси бўлди. Шаҳарнинг тарихий маркази — Регистон майдонида жойлашган Қиличбек мадрасаси саҳни ва ҳужраларида Ўзбекистон санъат арбоби, мусаввир Садриддин Салимов асарлари, халқ ҳунармандчилиги намуналари, фотоижодкорлар Лутфилла Нарзуллаев суратларининг кўргазмаси намойиш этилди.

«Олтин мерос» жамғармаси ва вилоят олима аёллари уюшмаси ҳомийлигида чоп этилган «Қашқадарё олималари» китобининг тақдимоти ҳам тўпланганларда катта қизиқиш уйғотди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Шарофат Ашурова ва педагогика фанлари номзоди Талъат Гаффорова қаламига мансуб бу китобда илмий-педагогик соҳада самарали изланиш олиб борган қирқта олима аёлнинг ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилинган.

Б. НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«ГРАНА» Алтай - Россия

УН *барча навлари*

ЁРМАЛАР

Ун о/н 50 кг, Ун 1-нав Ёрмалар

«ГРАНА» - бу экологик тоза маҳсулот сифати кафолати ва Россия баррикенглиги

Энди Ўзбекистонда ҳам

Грана

УЛГУРЖИ САВДО

Маҳсулот сертификатланган

Тошкент ш., «Архитекторлар» кўч., 17. Тел./факс 148-04-01
тел.103-04-39, 343-52-38. E-mail: grana-altay@bk.ru

РЎЁБГА ЧИҚАЁТГАН ОРЗУЛАР

Андижон ёшларини янги марраларга чорламоқда

Меҳрдан яралган кошоналар

Рангин ойналарида баҳор қуёшининг ипак нурлари ороланаётган ҳашаматли бинодан кўзларини узолмаган Абдуҳошим отанинг «Қани энди, мўъжиза рўй берсаю ўсмирга айланиб қолсанг. Шу биноларда яйраб-яйраб ўқисанг. Ёқтирган ҳунаринг этагидан тутсанг. Яшайдиган замонлар мана, энди келди», деган сўзлари куни-кеча айтилгандай эсда турибди. Ўшанга ҳам уч йилдан ортди. Лекин шу қисқа муддатда Андижонда Абдуҳошим оталарни ҳайратга солиб, ўнлаб касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар учун муҳташам бинолар қад ростлади.

Тунов куни отани Андижоннинг Қўшариқ даҳасида учратиб қолдик. Сержин чеҳрасида офтоб кулиб турарди. Суҳбат ўзани яна ўқув даргоҳларига бурилди:

— Андижонда ҳисоб-бухгалтерия техникуми бўларди. Ҳозир номи молия-иқтисодиёт коллежи экан. Неварам ўша ерда ўқийман, деб туриб олди. Обордим. Ё бопармони худо, чунонам ўзгариб кетибди-я! Таниёлмай қолдим. Сувоғи тўкилиб, мунғайиб турган бинолар қайда! Эшик-деразалари кичкина, поли тешик, шифтининг фанерлари осилиб тургувчи хоналар қани? Кўримсиз ётоқхоналар-чи?

Дарҳақиқат, юртимизда ўғил-қизларимизга атаб қад ростлаётган ҳашаматли, мафтункор бинолар ақлни шоширади. Кўзларда ҳайрат меҳмон бўлади.

Республика ташқи иқтисодий фаолият миллий банки кўмагида қад ростлаган банк коллежида бўлганимизда ёруғ, кенг ўқув хоналари, мукаммал жиҳозланган лабораториялар, компьютерли синфлар, кирсангиз чиқиб кетгингиз келмай қоладиган кутубхона, ўсмирларнинг ҳайқиригига тўлган спорт залларини кўриб кўнгил яйради. Машғулотлар олиб бориладиган хоналардаги парта вазифасини ўтайдиган столларнинг қулайлиги, стулларнинг юмшоқ ва эгилувчанлиги, мебелларнинг ғоят кўркам ва бежиримлилигига ҳар қандай одамнинг ҳаваси келади. Меъморлар тор, пастқам фойелар ўрнига кенглиги олти метрдан зиёд бўлган юриш йўлларини танлашибди. Пол ўрнида кўзни қамаштиргудай ярқироқ плиталар, ташқаридаги қишин-ёзин яшнаб турувчи майсалар ўртасида фаввора.

Бу бино шунчаки бинолардан эмас. У меҳрдан тафт олган, эртамизнинг муносиб эгаларига эшикларини ланг очган гўзал кошонадир. Вилоятда бу хилдаги маҳобатли, шарқ меъморчилиги билан замонавийлик уйғунлашиб кетган ўқув даргоҳлари сони 84 тага етди. Биргина ўтган йилнинг ўзида 7 та иншоот қуриб битказилди. Уларда 79 минг нафардан зиёд ўсмир 119 касб йўналиши бўйича таҳсил олмоқда.

Фидойи

Андижонлик мураббийларнинг аксарияти ўз шогирдларига билим бериш, ҳунар ўргатишдан ташқари ёш қалбларга меҳнатсеварлик, юртга садоқат, эзгулик уруғини сочишга ҳам ҳаракат қилмоқдалар. Шулардан бири Олтинкўл иқтисодиёт коллежининг директори, иқтисод фанлари номзоди, профессор Шукуржон ака Маматқуловдир.

— Уч мингдан ортиқ йигит-қиз ўзлари танлаган мутахассислик бўйича етуклик дипломини олди, — кўзларида ғурур шуълаланади домланинг. — Уларнинг кўпи иқтисодиётнинг қон томири бўлган банкларда хизмат қилмоқда.

Ўқув даргоҳининг бошқа жамоалардан фарқ қиладиган жиҳати шундаки, устоз мураббийлар ўз шогирдларининг ҳар жиҳатдан етук мутахассис бўлиб етишишларига қанчалар кўп эътибор қаратсалар, тозалик, ободончиликка ҳам шунча кўп аҳамият берадилар. Дарсдан ташқари машғулотлар, баҳс ва мунозаралар билан қизғин ўтадиган ижодий беллашувлар, кўрик-танловлар кун тартибидан сира тушмайди.

— Бу сингари тадбирлар биз, домлаларниям, талаба-ёшларниям чархлаб боради. Бир-биримизга яқинлаштиради. Тасаввуримизни бойитади, — мулоҳаза юритади профессор. — Тўрт босқичдан иборат бўлиб, тўрт ой давом этган «Миллий ғоя — бизнинг ғоя» мавзусидаги кўрик-танловда шогирдларимиз вилоятдаги касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган тенгқурлари устидан ғолиб чиқдилар. Шундай бўлиши табиий эди. Нега деганда бу хилдаги танловлар «Заковат» интеллектуал ўйинлари, «Заиф бўғин», «Энг иқтидорли талаба» беллашувлари ёшларимизни анча пишитиб қўйганди.

Шуни таъкидлаш ўринлики, мазкур ўқув даргоҳи ўқувчиларининг дарсга қатнаш, ўзлаштириши, жамоат ишларида фаоллиги билан вилоятда пешқадам. Кичик илмий даргоҳ номини олган коллежда уч нафар профессор, икки нафар фан доктори, етти нафар фан номзоди, доцентлар ёшларни ўз ортларидан эргаштирибгина қолмай, балки мамлакат касб-ҳунар масканлари талабалари учун ўқув қўлланмалари, илмий рисолалар ҳам яратмоқдалар. Домла Маматқуловнинг ўзи ўттиздан ортиқ махсус дарсликлар яратди.

— Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асл моҳиятини тушуниб олишимиз шарт, — деб ҳисоблайди олим. — Нима учун бу муҳим ҳужжат миллий дастур, деб номланган? Шунинг учунки, бизларга, мустақиллик шарофати билан ўзлигини англаб етган халққа ўз тарихимиз, ўз йўналишимиз, ўз қадриятларимизни теран англайдиган, ўзимиздан ҳам кўра кучли, салоҳиятли кадрлар даркор. Улар халқимизнинг ўзлигини намойиш этиши учун сув билан ҳаводай зарур.

Бугун – ўқувчи, эртага – талаба

Олий ўқув юртлари қошидаги академик лицейлар ҳақида сўз кетганида вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Олимжон Тўйчибоев ёшларнинг униб-ўсиши, ҳунарли бўлиши ва ниҳоят ўқишни давом эттириш истагида бўлганларга ҳамма шарт-шароитлар яратиб берилаётганини фахрланиб гапирди.

— Биз тарбиялаб камолга етказган йигит-қизлар муҳтарам Президентимиз, ҳукуматимизнинг беқиёс ғамхўрликларига ҳалол, виждонан меҳнатлари билан жавоб бермоқдалар.

Бошқарма бошлиғи ўз талабларининг кўпчилигини олийгоҳларга узайтишни йўлга қўйиб олган ўқув даргоҳлари хусусида қониқиш билан гапирар экан, Андижон қишлоқ хўжалик институти қошидаги Куйганёр академик лицейи фаолияти билан яқиндан танишишимизни таклиф этди.

Раҳимжон Жўраев раҳбарлик қилаётган мазкур лицейда 389 нафар ўсмир билим олмоқда. Ўчта компьютер синфи, олтита лингафон хонаси, иккита химия, яна шунча биология, физика лабораториялари ҳамиша ёшлар билан гавжум. Ўтган ўқув йилини муваффақиятли тамомлаганлардан 51 нафари республикамизнинг турли олий ўқув юртларига ўқишга кирди. Икки нафар ўқувчи халқаро муносабатлар, беш нафар йигит-қиз Жаҳон тиллари Университети, саккиз нафари Андижон тиллар институтининг талаба ёшлари сафига қўшилишди.

Бу муваффақиятнинг сири нимада?

— Меҳнатда, изланишда, — лўндагина жавоб қилди Раҳимжон. Кейин қулфи дили очилиб, — биз қишлоқ хўжалик институти профессор-ўқитувчилари билан мустаҳкам алоқа ўрнатганмиз, — деди. Юқори синф ўқувчилари институтнинг учта кафедрасига бириктириб қўйилган. Институт кутубхонаси улар учун ҳамиша очиқ. Бундан ташқари, ёшлар интернетдан ҳам бемалол фойдаланадилар.

Биз ташқарида, бодом, ўрик, гилос гулларига кўмилган боғда бир гуруҳ ёшларни янги ўтказилган ниҳолларга сув тараётганини, атиргуллар остини юмшатаётганини кўрдик. Саранжом, саришталик баҳри-дилингизни очиб юборади. Ота-боболаримиз орзулаб эртакларда куйлаб ўтган «Боғи эрам»лар аслида шулар эмасми! Навқирон елкасига кетмон ташлаган йигитлар, нозик қўлларида гулқайчи тутиб гулларга оро бераётган навниҳол қизлар ўзлари билиб-билмаган ҳолда шу гўшани, шу ҳудудни жаннатга айлантираётганликлари аслида елкасида Ватанни, кўчоғида чаманни ардоқлаётган, орзулар рўёби эмасми! Кўкрак кериб турган маҳобатли кошоналар, уларнинг турфа гуллар атрига тўлган боғ-роғлари, тақдирига шу озод Ватанда яшаш, ўқиш меҳнат қилиш бахти битилган ёшлар билан файзли хиёбонлари биз танлаган йўлнинг нечоғли нурли, уфқлари ойдинлигидан нишона эмасми!

Ватан бахтига ёшлар, ёшлар бахтига Ватан омон бўлсин.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«ЎЗТРАНСГАЗ» акциядорлик компаниясининг магистраль газ қувурларига тўғридан-тўғри чиқувчи Ўзбекистон Республикасидаги табиий газнинг улгуржи истеъмолчилари бўлган ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

«ЎЗТРАНСГАЗ»
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
шуни маълум қиладики,
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
2006 йил 30 мартда тасдиқлаган
№ 19-03-25-05-0`zR-10-2006 й.
нархлар прейскурантига мувофиқ,
Ўзбекистон Республикасидаги улгуржи
истеъмолчиларга етказиб бериладиган
газнинг баҳоси 2006 йил 1 апрелдан
бошлаб қўшимча қиймат солиғи билан
1000 куб.метр газ учун 43400 сўм
миқдорида белгиланди.
2444H/881

Касаначи: ҳунар ўргатиб, иш бериб...

Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони зоминлик тадбиркор Рухсора Абдуллаева учун айни муддао бўлди. Миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш орзусида юрган Рухсора ишлаб чиқараётган маҳсулотлари — ёстиқ жилдлари, келинлик либослари, куёв белбоғлари, дўппи, халатлар ранг-баранглиги, сифатини кескин яхшилаб, харидорлар сонини кўпайтирди. Туман маиший хизмат кўрсатиш корхонаси билан шартнома тузиб, кичик корхонаси аъзолари сонини икки бараварга оширди.

Энг муҳими, кўп ўтмай «Ташаббус — 2006» кўрик-танловида илк бор ғолиб чиқишга муваффақ бўлди. Бундан руҳланиб, «Пахтабанк»нинг туман бўлимидан 2 миллион сўм кредит олишга қарор қилди.

Яқин келажакда жамоа яна 12-15 нафар қизга ҳунар ўргатиш, уларни иш билан таъминлаш имкониятига эга бўлади.

Баҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЕ ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ (СПП) VINLAD
Vinlad
Сделаем жизнь спокойнее!
RUBEZH
ADI International
Вид деятельности — проектирование, производство, внедрение, гарантийное и сервисное обслуживание комплексных систем безопасности для объекта любого масштаба, выбор, тестирование, поставка оборудования для разнообразных решений безопасности.
НАДЕЖНАЯ ОХРАННО-ПОЖАРНАЯ СИГНАЛИЗАЦИЯ
Охранно-пожарная контрольная панель управления (пр-ва России) 8-40 зон – от 108 000 сум.
Датчики дымовые оптико-электронные (пр-ва России) – от 10 000 сум.
ул. Дружбы народов, 44.
Тел.: 367-97-14/15. Факс 367-00-68.
E-mail: vinlad@sarkor.uz
Web-site:www.vinlad.com
ISO 9001: 2000
Лицензия МВД РО «Охрана» № 103, лицензия МВД УПО № 29/2-2-97, лицензия КМ №000390 (проектирование).

Куч — билим ва тафаккурда

Агар йўлингиз тушиб, Косонсойда бўлсангиз, туман марказига кириб бораверишда қатор ўқув муассасалари жойлашганига кўзингиз тушади. Улар орасида Косонсой тиббиёт коллежи ҳам бор. Ўзининг муҳташамлиги ва кўркамлиги билан киши эътиборини тортадиган мазкур илм даргоҳи нуфузи жиҳатидан нафақат туманда, балки вилоятда ҳам муносиб ўринга эга. Бу ерда ёшларнинг ҳар томонлама етук ва мукаммал билим олишлари учун яратилган шарт-шароит ҳам ҳавас қилишга арзийди. Таъкидлаш жоиз, ана шу ижобий ютуқларнинг ўзиёқ, ҳукуматимиз томонидан таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган чора-тадбирларнинг самара бераётганига ёрқин мисол бўла олади.

ҲЕЧ КИМДАН КАМ БЎЛМАГАН АВЛОД

Биз сўз юритаётган ўқув муассасаси 900 ўринга мўлжалланган бўлиб, унда 52 та фан ва 3 та компьютер хонаси, 120 кишилик фаоллар зали мавжуд. 24000 китоб фондига эга кутубхона эса ўқувчиларнинг устозларидан олаётган билимларини янада бойитиш, дунёқарашларини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бўлажак тиббиётчилар буни яхши англашларини 60 ўринга мўлжалланган ўқув залининг доимо гавжум эканлигидан ҳам билса бўлади. Рус ва хорижий тиллар бўйича 4 та лингафон, 8 та лаборатория хоналари ҳозирги замон талаблари асосида жиҳозланган фанларни пухта ўзлаштириш имконини бермоқда. Ёшларнинг мунтазам равишда спорт билан шуғулланишлари учун футбол, баскетбол, волейбол ҳамда қўл тўпи майдончалари ҳам ташкил этилган.

— Юртбошимизнинг "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт" деган пурмаъно сўзлари бизга доимо дастуриламал вазифасини ўтайди, — дейди коллеж директори Муҳаммадалихон Азизов. — Шунинг учун ҳам берилаётган эътибор ва имкониятлардан фойдаланиб, ўқувчиларимизнинг замон талаблари асосида билим эгаллашлари учун шароит яратиб беришга ҳаракат қилаяпмиз. Муассасамизнинг химия, биология ва физика хоналари "L-Holding" фирмаси маҳсулотлари билан таъминлангани, "Ҳамширалик иши" бўйича ўқув-тренинг хонасининг Япония гранти асосида тўла жиҳозлангани ана шу саъй-ҳаракатлар самарасидир. Шу боис ҳам бу ерда таҳсил олишни хоҳловчи ёшлар сони йилдан-йилга ортиб бораётир. Масалан, фаолиятини 120 нафар ўқувчи билан бошлаган коллежимизда бугунги кунда 1780 нафар бўлажак тиббиёт ходимлари таҳсил олмоқда. Уларга малакали устоз-мураббийлар ҳамширалик, даволаш, акушерлик иши мутахассисликлари бўйича таълим бермоқда.

— Устозларимиз "тиббиёт ходимларининг бирёқлама илм олиши эртанги касб фаолиятларида муддҳиш хатоларни келтириб чиқариши мумкин. Шу боис етук мутахассис бўлиб етишиш учун ҳаётий тажрибага эга бўлиш ҳам муҳим ўрин тутади" дея ўргатишади, — дейди коллежнинг учинчи босқич ўқувчиси Гулбаҳор Аҳмедова. — Ана шу ўгитлар асосида биз бу ерда олган назарий билимларимизни туман марказий шифохонаси, поликлиника ҳамда ўз яшаш жойларимиз ҳудудидаги тиббиёт масканларида амалиёт ўташ билан янада мустаҳкамлаймиз.



Айтиш жоизки, коллеж ўқитувчиларининг илмий салоҳияти тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Улар республика миқёсида ўқув адабиётлари яратишда ҳам алоҳида ўрнак кўрсатишаётир. Жумладан, коллежнинг "Ҳамширалик иши" фани ўқитувчиси К.Иномов шу фан бўйича ўқув дарслиги муаллифидир. У яратган адабиёт тиббиёт коллежларида ўқув дарслиги сифатида қабул қилинган. М.Азизов ҳамда коллеж директори ўринбосари Ш.Қамбароваларнинг "Гигиена" фанидан ўқув адабиёти эса лотин алифбосида босмадан чиқарилди. Мазкур дарслик ҳам тиббиёт муассасаларида ўрганилмоқда. Шунингдек, И.Эшонов, Г.Бозорова, Р.Маҳмудова, Б.Қодировлар ҳам изланувчанлиги билан жамоадошлари орасида ўз ўрнига эга.

Коллежда маънавий ва маърифий ишлар ҳам яхши йўлга қўйилган. Бўлажак тиббиётчилар вилоят ҳамда республика миқёсида ўтказилган танловларда фаол қатнашиб келишмоқда. Ўтган йили учинчи босқич ўқувчиси Сунбула Ҳайдарова "Зулфия" номидаги Давлат мукофотига номзодлар орасидан вилоятда иккинчи ўринни эгаллади. Ўзбекистон Республикаси "Камолот" ЁИҲ ҳамда Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми жамғармаси томонидан ташкил этилган "Келажак овози" мега-танловининг республика босқичида ҳам коллеж ўқувчилари муносиб иштирок этишди.

Шавкат ОРТИҚОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Янги ташкил этилаётган фермер хўжаликлари раҳбарларига!
«ЧИРЧИҚҚИШМАШ» ОАЖ
2006 йил баҳорги экиш ва қайта ишлов бериш ишлари учун барча фермер хўжаликларидан




• КХУ-4Б культиваторига,
• ЧКУ-4А чизель-культиваторига,
• ГХ-4 пушта очувчи,
• ПД-4-45, ПЯ-3-35, ПН-3-30, ПН-2-30 плугларига, МР-4А-2/3-45
• БО-000 тишли борона
• ҳамда қишлоқ хўжалиги техникалари учун эҳтиёт қисмларга
чегараланмаган миқдорда буюртмалар қабул қилади.
Манзил: Чирчиқ шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 92-уй.
Телефонлар: (271) 5-34-80, 5-36-30, 5-27-08, 5-30-93.
Факс: (271) 6-40-58.

«АРМИЯ — ҲАЁТ МАКТАБИ»

(Муддатли хизматга чақирилган ҳарбий хизматчига эслатма)



Яқинда Мудофаа вазирлигининг ташаббуси билан муддатли хизматга чақирилган ҳарбий хизматчиларга мўлжалланган кирилл, лотин алифбосидаги ўзбек ва рус тилларида "АРМИЯ — ҲАЁТ МАКТАБИ" номли эслатма чоп этилди.

Китобчага эпиграф сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлари Олий Бош қўмондони Ислом Каримовнинг «Биз бугун ғурур ва ифтихор билан айта оламизки, ёшларимиз учун мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафларида хизмат қилиш нафақат конституциявий бурч, балки юксак мақсад, том маънодаги шон-шараф ишига айланмоқда» деган сўзлари киритилган бўлиб, бу мамлакатимиздаги ҳарбий ислоҳотларнинг асосий мақсади ва йўналишини белгилайди.

Ҳаёт мактаби ҳисобланувчи армия йигитларимизни ҳар томонлама тоблаб, уларни жисмоний, маънавий жиҳатдан чиниқтиряпти. Давлатимиз, Юртбошимиз томонидан она юрт посбонларига қаратилган устувор эътибор, бу борада амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар миллий армиямизни ёшларимизнинг иродасини тоблайдиган, уларни ўз Ватани ва халқига садоқат руҳида тарбиялайдиган жасорат ва матонат мактабига айлантирмоқда.

Мазкур эслатма таъкидланаётган эзгу саъй-ҳаракатларнинг навбатдагиси бўлди.

Эслатмага Давлатимиз мадҳияси, Ҳарбий қасамёд ва Ўзбекистон аскарини Қасамёдга, Президентимизга, халқимизга содиқ бўлишга даъват этувчи мурожаат матнлари киритилган.

Шунингдек, ушбу эслатмадан Қуролли Кучларимиз ташкил топиши тарихи, ҳарбий хизматни ўташнинг ҳуқуқий пойдевори, мамлакатимизнинг мудофаа соҳасидаги сиёсати ва бошқа фойдали маслаҳатлар ўрин олган.

Эслатмада муддатли ҳарбий хизматчиларга қонунчилик ҳужжатлари, ҳукумат қарорлари, Умумҳарбий низомлар билан белгиланган имтиёзлар, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кабиларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Эслатмада, шунингдек, ҳарбий хизматчиларнинг кунлик озиқ-овқат нормалари, уларга давлат томонидан бериладиган кийим-кечак ва анжомлар рўйхати кўрсатилган.

Эслатмадан ўғлонларимиз миллий армиямизда амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳиятини англашади, ўз ҳақ-ҳуқуқларини, мажбуриятларини билиб олишади. Муддатли ҳарбий хизматни муваффақиятли тугатгач, олий ўқув юртларига ўқишга кириш ва ишга жойлашиш учун бериладиган имтиёзлар ҳақида керакли маълумотларга эга бўлишади.

Эслатмада жанговар тайёргарлик машғулотларини ўтказишда риоя қилиш зарур бўлган хавфсизлик чоралари бўйича талаблар ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Эслатма сўнгида зарур ҳолларда ҳар бир аскар истаган пайтида мурожаат этиши учун Мудофаа вазирлиги тарбиявий ишлар органлари телефон рақамлари ва манзиллари кўрсатилган.

Ёндафтарча шаклида чоп этилган, аскар доимо ёнида олиб юришига қулай, ихчам эслатма муддатли ҳарбий хизматчининг энг яқин ҳамроҳи, дўсти, маслакдоши бўлиб, маълумотнома, йўриқнома сифатида хизмат қилиш учун мўлжалланган.

Президентимизнинг жорий йилнинг 3 мартидаги Қарорига мувофиқ навбатдаги баҳорги чақирув тадбирлари бошланган бир пайтда мазкур эслатма Қуролли Кучларимиз сафларига қўшилажак ўғлонларимизга муддатли ҳарбий хизматни муваффақиятли ўташ учун зарур билимга эга бўлишларида, тезроқ ҳарбий хизмат шароитларига мослашишларида, она Ватанимиз Ўзбекистон олдидаги конституциявий бурчларини шараф, фахр билан бажаришларида ўзига хос пойдевор яратади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг матбуот хизмати.

Бир неча йилдирки, мамлакатимиздаги турли идоралар: назорат қилувчи муассаса ёки хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг махсус «ишонч телефонлари» ташкил этилиб, оммавий ахборот воситаларида рақамлари эълон қилиб борилаяпти. Биринчи галда тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашишларга барҳам беришда, кўрсатилаётган хизматларнинг сифатини яхшилаш ҳамда жойларда юз бераётган нуқсон ва камчиликларни ижобий ҳал этишда «ишонч телефонлари» катта самара бериши, шубҳасиз. Лекин бу телефонлар халқнинг ҳақиқий ишончига кираяптими?

Масала билан яқиндан танишиш мақсадида Бухоро ва Навоий вилоятларидаги айрим идораларнинг «ишонч телефонлари» фаолияти билан қизиқдик.

«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ» қачон ишончга киради?

Бухоро вилоят Давлат солиқ бошқармасидаги «ишонч телефони»га ўтган бир йил давомида 84 маротаба турли масалаларда қўнғироқлар бўлган. Уларнинг аксариятида сўнгги пайтда чиқарилган қарор ва фармонлар юзасидан савол билан мурожаат қилинган. Бунга мутасаддилар томонидан ўз вақтида тушунтиришлар берилган. Лекин ҳеч ким солиқ ходимлари устидан шикоят қилмаган. Бошқармадан олинган ҳисоботда ёзилишича, мурожаатлар юзасидан бирорта ноқонуний ҳолат аниқланмаган. Бошқарма бошлиғи Ўктам Тангриевнинг таъкидлашича, вилоятда солиқ инспекциялари нозирлари томонидан бирорта ҳам ноқонуний ҳолатлар кузатилмаган ва кузатилмайди ҳам. Буни эшитиб, рости, қувондик. Лекин вилоят адлия бошқармаси ходимлари берган маълумот бизни бироз ажаблантирди. Унда маълум қилинишича, адлия бошқармаси томонидан солиқ инспекциялари ходимлари юзга яқин тадбиркорга ортиқча жарима қўллаганлиги айтилади. Бу ҳали аниқланганлари.

Худди шу масалада «Халқ банки»нинг вилоят бошқармасида бўлдик. Кираверишда, мижозларга кўринадиган жойда банкнинг «ишонч телефонлари» рақами чиройли қилиб ёзиб қўйилган. Бошқарма бошлиғи ўринбосари Шуҳрат Бўроновнинг қабулида бир соатларга яқин ўтирдик. У киши айнан «ишонч телефонлари» билан шуғулланадиган ходимини қидира кетди. Ниҳоят аниқландики, ўша ходим биз борган пайтда таътилда экан. Шундан сўнг Шуҳрат Бўронов «ишонч телефонлари»га қилинган мурожаатлар рўйхатга олиб бориладиган дафтарни топишга киришди. Аммо дафтар таътилдаги ходимда эканми, кўрсата олмади. Бошлиқ ўринбосари кимлар билан-дир телефон орқали гаплашгандан сўнг айтдики, банк мижозлари томонидан бирорта ҳам телефон бўлмабди. Демак, банкнинг ҳамма ишлари «беш» экан-да, деган хулосага келиш мумкин. Лекин «ишонч телефонлари» билан бевосита шуғулланувчи масъул ходим таътилда бўлса, унда қўнғироқларни ким эшитаётган экан-а? Бу мижозга нисбатан эътиборсизлик эмасми?



Айнан банк ходимлари айби билан пенсия ёки иш ҳақлари ойлаб кечикаётганига вилоятдаги қишлоқма-қишлоқ юриб мисол ахтаришга ҳожат бўлмаса керак. Ёки наҳот бирор тадбиркор кредит ололмаётганидан нолимаган бўлса?

Бу ҳам майли. Энди аниқ мисолларга ўтсак. Вилоят адлия бошқармасининг йиллик ҳисоботи билан танишар эканмиз, катта-катта бандлар айнан вилоятдаги банклар томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликларга бағишланганига гувоҳ бўлдик. Хусусан, «Халқ банки»нинг Олот туман филиали томонидан жами 87 маротаба тўлов топшириқномалари кечиктириб амалга оширилган. Банкнинг Бухоро туман филиалида ҳам 100 та худди шундай ҳолат аниқланган.

«Пахта банки»нинг Навоий вилояти бошқармаси «ишонч телефонлари»га ҳам 2005 йил давомида бирор марта қўнғироқ бўлмаган. Бошқарма ўринбосари Ғолиб Содиқов «ишонч телефонлари»ни рўйхатга олиб бориш дафтарчасини кўрсатди. Унда бирорта ҳам қайд йўқ.

Тўғри, бугун ҳамма ҳам ўз ҳақ-ҳуқуқларини тўлиқ билавермайди. Кассир қизларнинг «эртага келинг, бугун нақд пул тамом бўлди» каби кўрс жавоби билан нафақаси кечикаётган онахон ёки ўз ходимлари иш ҳақини вақтида ололмаётган фермерлар ноилож орқага қайтиб кетишлари мумкин. Ваҳоланки, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари тўлиқ таъминланиши ҳукуматимиз қарор ва фармонлари билан кафолатланган. Шундай ҳолатда ҳам ҳуқуқи поймол этилган бирорта мижоз афишаларда бежирим, дона-дона қилиб ёзиб қўйилган «ишонч телефонлари» рақамига атиги бир марта ҳам қўнғироқ қилмагани жуда ғалати-да.

Баъзилар «ишонч телефонлари»га қўнғироқ қилишни ўзларига эп билмай турганларида, айримлар ундан ўзининг ғаразли мақсадларида ҳам фойдаланишаяпти. Хусусан, Навоий вилоят Давлат солиқ бошқармасига қилинган мурожаатларнинг аксарияти текшириш давомида ўз тасдиғини топмаган.

— Айримлар телефон қилишади, лекин ўзларини таништиришни исташмайди, — дейди вилоят ДСБ бошлиғи ўринбосари Шаҳобиддин Шайматов. — Ҳатто, шундай ҳолатлар ҳам аниқландики, ўзларини таништиришни истамаган баъзи ишбилармонлар ўз рақибларини «синдириш» мақсадида ҳам бизга қўнғироқ қилди. Дейлик, «Фалончи дўкондан мол харид қилгандим, чек бермади», «Менга сотувчи қўпол муомала қилди» ёки «Фалон дўконда акциз маркасиз спиртли ичимликлар сотилаяпти»...

Бундай қўнғироқлар тезкор гуруҳ томонидан ўрганилганда, аксарият ҳолларда шикоятчининг ўзини топиб бўлмайди. Ёки умуман аноним қўнғироқ бўлиб чиқади. Агар шикоятчи номаълум бўлса, ўзимизча бирорта табиркор фаолиятини текшира олмаймиз.

Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтиш лозимки, вилоят солиқ инспекцияларига бўлаётган эътирозларнинг аксарияти кўрсатилаётган савдо хизматига тааллуқли. Бунда қўнғироқлар ҳақли эканлиги аниқланиб, қонунни бузган тадбиркорларга тегишлича жазо чоралари қўлланилган.

Қисқаси ҳисса шуки, «ишонч телефонлари» қайси идора ёки муассасага тегишли бўлмасин, унинг нуфузидан қатъий назар, халқ ишончига кириб, уларнинг дардини тингласагина, «тилга» киради. Аксинча эса...

Юнус БЎРОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тиббиёт янгиликлари



Кўк чой «сариқ»ка қарши

Кубалик олимлар гепатит хасталигининг С турига қарши самарали вакцина яратишгани ҳақида маълум қилишди. Маълумки, дунё бўйлаб 200 миллионга яқин киши ана шу хасталикдан азият чекмоқда.

Вакцина мамлакат Генетика ва биотехнологиялар маркази томонидан яратилган, деб хабар беради Интерфакс агентлиги. Айтиш лозимки, кубалик олимлар томонидан ўтган асрнинг 90-йилларида гепатитнинг В турига қарши самарали вакцина яратилганди.

Лабаратория синовлари ҳам "Гербервирон" деб ном олган ушбу препаратнинг самарадорлигини кўрсатди. Бундан ташқари, кубалик тиббиётчилар болаларда учрайдиган бешта хавфли касалликка қарши эмлаш воситасини ишлаб чиқариш тўғрисида ҳам маълум қилишди.

Америкалик олимлар эса Хитой кўк чойининг баъзи турларида одам жигаридаги гепатитга қарши курашадиган функцияларни фаоллаштирувчи хусусият мавжудлигини аниқлашди. Infanta.ru маълумотига қараганда, ушбу чойнинг даволаш хусусиятлари илмий тадқиқотлар давомида исботланди. Олимлар ана шу чойдан гепатитга қарши янги дори воситалари яратиш устида иш олиб боришмоқда.

Кийимига яраша феъли

Спиртли ичимликларни тарғиб этувчи сурат ва сўзлар мавжуд футболка ва бош кийимлар киядиган ўсмирлар келажакда алкогол истеъмол қилишга мойил бўлишади, деб хабар беради membrana.ru.

Илмий изланишлар давомида маълум бўлишича, спиртли ичимликлар «тарғиботчи»ларининг 25 фоиздан кўпроғи келажакда «ичимлик шайдоси» бўларкан. Америкалик педиатр Оуден Макклурининг айтишича, ота-оналар ва ўқитувчилар ўсмирларнинг нима кийишига катта эътибор қаратишлари мақсадга мувофиқдир.



Хавотирга ҳожат йўқ

Америкалик олимлар парранда гриппининг нима учун одамдан одамга юқмаслигини аниқлашди. Шунингдек, улар H5N1 вирусининг одамга юқиши жуда камлигини ҳам изоҳлашди.

Маълум бўлишича, вирусннинг одамга кам юқишининг сабаби ушбу вирусларнинг танага «кириш»ида экан, деб ёзади «Nature» журнали. Аниқланишича, оддий грипп вируслари кўпинча юқори нафас олиш йўллари орқали киради. Шунинг учун оддий грипп вируслари одамга тез юқади.

Олимларнинг аниқлашича, H5N1 вируси кириш йўли ўпка хужайраларининг анча қуйида жойлашган. Шу боис ҳам ушбу вирус одамга жуда кам ўтади.

Салим ДОНИЁРОВ тайёрлади.







Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва бирлашган касаба уюшма қўмитаси «Иқтисодчи» газетаси муҳаррири, профессор Суннатилла Ризаевга акаси

Насрулла МАННОПОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат аграр университети жамоаси Агрокимё ва тупроқшунослик кафедраси мудири, профессор Иброҳим Туроповга турмуш ўртоғи

Рихси ОТАБЕКОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 657. 28692 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов.
Навбатчи — С. Ҳайдаров.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.30 23456